

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИДА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА ЖАЗО МАСАЛАЛАРИ

Садикова Ёркиной Салижоновна
юридик фанлари номзоди
Самарканд давлат медицина институти
Муқимова Муслима Зиёдуллаевна
Самарканд давлат университети

Аннотация:

Мақолада Амир Темур давлатининг асосий ҳуқуқ манбаи бўлмиш «Темур тузуклари»да жазо сиёсати, жазоларни қўллашдаги ижтимоий адолат тамойиллари тушунчаси, унинг аҳамияти масалалари ўрганилган.

Калит сўзлар:

Амир Темур, ҳуқуқ манбаи, «Темур тузуклари», жазо, жиноят, ижтимоий адолат, қонун устуворлиги.

*«Ҳар қандай одам менинг адолат девонимдан паноҳ
топган экан, гуноҳи бўлса ҳам, уни кечиринглар.
Иккинчи, учинчи марта яна гуноҳ йўлига кирса,
у ҳолда гуноҳига яраша жазолансинлар»
Амир Темур*

Маълумки, ўз таркибида 27 га яқин давлат ва амирликни бирлаштирган Амир Темур империяси аниқ ишлаб чиқилган ижтимоий адолат қоидаларига асосланган жазо сиёсатисиз бошқарилиши қийин эди. Бу сиёсат энг аввало, мусулмон давлатида амалда бўлган ислом ҳуқуқи ва ўша даврнинг конституциявий ҳужжати бўлган «Темур тузуклари»да ўз ифодасини топган. «Тузуклар»да жиноят ва ва жиноят-процессуал ҳуқуқи – жиноятларга жазо бериш, хусусан мансабдор шахслар томонидан ўз мансабини суистеъмол қилганлик жиноятлари учун жазо тайинлаш масалалари, ҳар бир шаҳарда адолат уйлари, қозихона-дорул-аморат ташкил қилиш, қози Аскар, аҳдос ва раият қозилари, уларни тайинлаш, ёлғон гувоҳик учун жазо тайинлаш ва бошқа масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Тузукларни ўрганиш, жиноят ва жазо масалаларида Амир Темур ўз мамлакатада қадимий турк-мўғул анъаналари, удумларига, шунингдек, Чингизхоннинг Ясо қонунларига ҳам амал қилганлигидан далолат беради. Хусусан, «Тузуклар»да “Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, тутиб олинса, Ясо бўйича жазоласин”, - дейилади Тузукларда. Бундан кўриниб турибдики, Ясо фақат биргина жиноят таркиби, яъни ўғрилик бўйича қўлланилган. Унинг 29, 30, 31 бандларида бу жиноят учун қаттиқ жазолар белгиланган. “Бир отни ўғирлаган киши унинг эгасига 9 от беришга мажбур. Унинг мулки бўлмаса, ўрнига фарзандлари олинади. Фарзанди ҳам бўлмаса (бир қўй каби сўйилиши) қатл қилиниши лозим. 30-бандида ҳам Ясо зино, ўғрилик ва ёлғонни таъқиқлайди, бундай жиноятларга ўлим жазосини белгилайди. Бундан кўриниб турибдики, Ясо фақат бир жиноят таркиби бўйича ва фақат Амир Темур ҳукмронлиги йилларида қўлланилган.

Темурбек давлатида бу каби ҳуқуқ манбаларининг мавжудлиги, уларнинг ҳаракати, бажарилиши ва риоя қилиниши устидан қаттиқ назоратнинг бўлиши, шубҳасиз, қонунчиликни мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Тузуклардан кўринадики, Амир Темур очик юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзига ром қилган, адолат ўрнатишга ҳаракат қилиб, иложи борица жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилган. Айниқса, мансабдор шахслар томонидан мулкни ўзлаштириш, талон-тарож қилиш ҳолларида одиллик билан иш тутганлигини кўриш мумкин. Хусусан, молия вазирлари давлатнинг молия ишларига хиёнат қилиб, ўзларининг қўл остидаги мол-мулкдан ўзлаштириб олган бўлсалар ва агар

бу уларга тааллуқли маошга тенг бўлса, ўша ўзлаштирилган маблағ давлат хазинасига совға, инъом сифатида қайтариб олинган. Агар унинг миқдори маошдан икки баробар ортиқ бўлса, мол-мулки тортқ сифатида давлат ҳисобига ўтказилган.

Агар сипоҳий қўл остидаги кишига зулм ўтказса, бунда у хизмат доирасидан ташқари чиққан саналиб, сипоҳийнинг ўзи жабрланувчиларга топширилган. Бу ҳолда жабрланувчи сипоҳийни хоҳлаганча жазолаши мумкин бўлган. Агар катта ва маҳаллий бошлиқлар ўз ваколатлари доирасидан чиқиб, ўзларидан кичик даражадаги кишиларга зулм ўтказсалар, уларга мол-мулкига қараб жарима солиш назарда тутилган.

Шунингдек, доруға ва шаҳар волийлари ҳокимлари халққа жабр-зулм қилсалар, уларни ҳам жиноятларига мос равишда жазога тортиш назарда тутилган. «Тузуқлар»да бирор кишининг айби исботланганда, унга нисбатан фақат битта жазо қўлланилиши, яъни агар жарима солинса, дарра билан урмаслик, дарра билан урилса, жарима солмаслик тўғрисида гапирилади. Бу каби жазолаш усуллари Темур давридаёқ, айнан бир жиноят учун икки маротаба жазога тортиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамланганлигини кўриш мумкин.

Юқоридагилар билан бирга, бир кишининг мол-мулки зўрлик билан тортиб олинганда, унинг мулкни қайтариб олиб бериш билан чекланилган. Баданга жароҳат етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар: тишни синдириш, кўзни кўр қилиш, қулоқ ва бурунни кесиш, шароб ичиш, зино қилиш, яъни эрига бевафолик қилиш кабилар жиноят ҳисобланиб, шариат қозиси ёки ажрим чиқарувчи қозига олиб бориб топширилган.

«Тузуқлар» да фақат бир ўринда, яъни мамлакатлар, қўшинлар ва аҳоли аҳволидан хабардор бўлиб туриш тузугида тан жазоси ва қатл этиш тўғрисида очиқ-ойдин ёзилган. Бошқа ҳолларда иложи борица ўлим жазосини қўлламаслик ёки уни қўллаш борасида шошмаслик ва одиллик билан иш кўриш тўғрисида сўз юритилади: «Салтанат саройининг ишончли ва эътиборли кишилари бўлмиш вазирлар хусусида шундай буйруқ бердим, агар салтанат ишларида улар хиёнат этсалар, салтанатни ағдаришга жазм қилган бўлсалар ҳам, уларни ўлдиришга шошилмасинлар. Авваламбор уларни айбловчи ва хабар етказгучиларнинг кимлигини текшириб кўрсинлар»¹. Шунинг учун Темур вазирларни танлашда уларнинг тўрт хислатларини эътиборга олиб, вазир этиб тайинлаганлигини кўриш мумкин.

«Тузуқлар»дан кўринишича, ҳар бир чегара, шаҳар ва вилоятга хабарчи котиблар тайинланган бўлиб, уларга ўз жойларидаги воқеа-ҳодисалар ҳақидаги хабарлардан доимо воқиф этиб туриш вазифаси юклатилган, агар бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақида хабарларни ёзмасалар, улага бармоқларини кесиш ёки ёлғон хабар берсалар, қўшинга тегишли ишларни яширсалар, қўлларини кесиш каби тан жазосига тортишга ҳукм этилган.

Амир Темур адолатпарвар ҳукмдор сифатида тухмат ёки ғараз мақсадларда ёлғон хабарлар орқали ҳеч кимни жазоламасликка ҳаракат қилган, бундай шахсларнинг ўзи одатда қатл этишга ҳукм этилган, шунингдек, мамлакатда бекорчи, ишсизлар, хусусан гадойлар ва тиланчилар сонини камайтиришга ҳаракат қилган. Бу борада гадойлар ва тиланчилар мажбурий ишга жалб этилган, агар шундан кейин ҳам ўз ҳаракатларини давом эттирсалар узоқ мамлакатларга сотиб юбориш ёки бадарға қилиш каби жазоларни қўллаган. Бу билан Амир Темур мамлакатда бекорчилик ва у орқали келиб чиқиши мумкин бўлган турли жиноятларга, жумладан, қароқчилик, босқинчилик, ўғрилиққа қарши курашганлигини кўриш мумкин: «Йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинлансинларки, йўлларини кўриқлаб, йўловчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўйсинлар».

Юқоридагиларга кўра, Тузуқлардаги жазо сиёсатини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

-биринчидан, Амир Темур даврида жазо сиёсати ижтимоий адолат, қонуннинг устуворлиги, қонунга риоя этишган асосланган;

- иккинчидан, кези келганда инсонпарварлик принципларини ўзида намоён қилган;

- жавобгарликнинг муқаррарлигига асосланган;

- жазо тайинлашда айбнинг шакли, даражасига алоҳида аҳамият берилганлиги кўриш мумкин.

¹ Темур тузуқлари, - 92 бет.

Адабиётлар:

1. «Темур тузуклари». – Тошкент, 1996.; Амир Темур Кўрагон. Темур тузуклари.-Тошкент:Фан ва технология, 2014. 196 б.;
2. Муқимов З. Амир Темур ва Темурийлар давлати ва ҳуқуқи. Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот (Монография).-Тошкент:Навруз, 2020. -292 бет; Муқимов З. Амир Темур ва Темурийлар давлатида давлат бошлиғи масаласи //СамДУ илмий тадқиқотлар Ахборотномаси. 2018., №6 (112).- 194 – 197 б.;
3. Муқимов З.Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Дарслик. Иккинчи тўлдирилган нашри.- Тошкент:Навруз, 2013.-476 бет.
4. Муқимова М.З. Амир Темурнинг миллий давлатчилик сиёсати (тарих ва ҳозирги замон). Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2006. -Б. 90-92
5. Садикова Ё.С. Ҳуқуқий онгни шакллантиришда демократик қадриятларнинг роли. Монография. Самарқанд: СамДУ нашри, 2012. – Б.100.
6. Садикова Ё.С. Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳуқуқий ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари. Ҳуқуқий тадқиқот журнали. Том 2 № 5 (2020) <https://law.tadqiqot.uz/law/index.php/law/article/view/91>
7. Махмудова А. Н. и др. Медицина Узбекистана-достижения и перспективы развития сферы //Достижения науки и образования. – 2020. – №. 3 (57).
8. Махмудова А. Н. и др. Роль молодого поколения в формировании современного гражданского общества //Достижения науки и образования. – 2020. – №. 3 (57).
9. Nugmanovna M. A. The role of social control in the legal socialization of the individual //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 5. – С. 712-721.
10. A.Makhmudova Guarantee of legal basic of supporting human rights in new level of Uzbekistan's development . International Journal of Advanced Science and Technology Vol.29 .No.5, (2020), pp.1761-1770 <http://serisc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/10305/5558>
11. Makhmudova A. N. Legal socialization problems of personality in modern civilian society //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 3. – С. 146-151.
12. Nugmanovna M. A. Factors and means of the content of legal socialization of the individual in modern civil society Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems
13. Джуракулов Х. А. Роль экологического правового сознания в развитии международных эколого-политических отношений //Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2017. – №. 7-1. – С. 23-26.
14. Джуракулов Х. А. Необходимость трансформации экологических правовых знаний при формировании правового сознания молодежи //перспективы развития науки в современном мире. – 2019. – с. 140-146.
15. Djurakulov H. Pedagogic-didactic tasks of forming ecological legal consciousness of young generation //Modern jurisprudence: legal thought and enforcement practice. – 2017. – С. 4-8.
16. Djurakulov H. A. Необходимость согласования социальных и политических методов и средств в формировании экологического правосознания //theoretical & applied science. – 2020. – №. 1. – с. 262-265.
17. Вафаева Д. Б. Некоторые вопросы социального партнерства между органами государственной власти и институтами гражданского общества: опыт Узбекистана //Актуальные вопросы современной науки. – 2017. – №. 1. – С. 28-31.
18. Вафаева Д. Б. Деятельность и перспективы развития институтов гражданского общества в Самаркандской области (Узбекистан) //Актуальные вопросы современной науки. – 2016. – №. 2. – С. 49-53.
19. Вафаева Д. Б. Влияние политического сознания на формирование и развитие гражданской культуры //International scientific review. – 2020. – №. LXX.

-
20. *Mukhamedova Z.M., Umirzakova N.A., Makhmudova A.N.* The Uzbek Model Of Bioethics: History And Modernity MALIM Jurnal Pengajian Umum Asia Tenggara <https://ejournal.ukm.my/malim/issue/view/1351>
21. Suyunova K.B. // Governmental support of innovation in the sphere of tourism // INNOVATIONS IN ECONOMY №4 (2020), 79 p.